

# **ИЛМІЙ НАЗАРИЯ ИЖОДИЙ ЖАРАЁННИНГ АЛОҚАДОР ШАКЛИ СИФАТИДА**

**Ўткиров Нусрат Комилович**  
**Навоий давлат педагогика институти**

Назарий даражада дастлаб олимнинг ижодий тафаккури олинган эмпирик билимнинг моҳиятини тўлиқ ва теран тушуниш имконини берадиган озми-кўпми ҳақиқатнамо фаразлар, тахминлар, гипотезаларни илгари суради. Сўнг олимнинг тиришқоқ ақли синовдан ўтмаган фаразлар ва гипотезаларни яроқсизга чиқаради, ўрганилаётган объектнинг хоссалари билан унинг ривожланишининг ички ва ташқи шартлари ўртасида маълум боғлиқлик ва қонуниятларни аниқлашга ҳаракат қилади. Масалан, физик тадқиқотларда қуйидаги омиллар: ўзгариши физик объектнинг хулқ-атвори хусусиятига бевосита таъсир этадиган вақт, температура, босим бундай шартлар вазифасини бажаради. Биологик тадқиқотлар билан боғлиқ ҳолда, масалан, популяцион генетикада атроф-муҳит омиллари мана шундай шартлар бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ижодий илмий билиш жараёни синов, кузатиш ёки эксперимент жараёнида илмий фактлар олишнинг эмпирик даражасида бошланиб, сўнг кейинги, янада теран, назарий даражада давом этади. Илмий билиш ва ижоднинг назарий даражаси илмий изланиш аввалги-эмпирик даражада аниқлаган илмий ахборотни ҳар томонлама анализдан ўтказиш, англаб етиш ва талқин қилишдан бошланади.

Синовдан ўтган гипотезалар назарий билиш тузилишида ўз мақомини ўзгартиради: эҳтимол тутилган билимдан улар ҳаққоний билимга айланади ва илмий қонун ёки қонуният мақомига эга бўлади. Қонун - бу илмий билиш тузилишидаги барқарор, такрорланувчи, зарур, бир вариантли, муҳим ҳодисадир. Илмий қонунни ўрганиш ўрганилаётган ҳодисанинг моҳияти ва сабабларини анализдан ўтказиш ва тушуниб етиш имконини беради.

Фанда назарий билиш гипотезаларни илгари суриш ҳамда қонунлар ва қоидаларни таърифлаш билан кифояланмайди. Аниқ, теран ва ҳаққоний илмий

назарияни яратиш илмий ижоднинг чўққиси, мантикий якуни ҳисобланади. Илмий назария тузиш- бу теран ва сермазмун илмий абстракцияларни аниқлаш ва уларни ўрганиш билан боғлиқ мураккаб, диалектик жиҳатдан зиддиятли жараён, илмий билишнинг назарий даражасида абстракциялаштириш жараёнидир.

Идеаллаштириш-назарий мавҳумлаштиришнинг муҳим шаклидир. Идеаллаштириш деганда предметнинг ажралмас муҳим жиҳатлари ёки мавжудлик шартларини мавҳумлаштириш тушунилади. Илмий идеаллаштиришлар, абстракцияларнинг эвристик қиммати уларга асосланган назарияларнинг синов малумотларини тушунтириш, шунингдек, объектнинг илгари маълум бўлмаган янги хусусиятлари ва хоссаларининг мавжудлигини башорат қилиш имкониятлари билан белгиланади.

Назария - бу объектив воқеликнинг айрим парчасининг тузилиши, мазмуни, фаолияти ва ривожланишини акс эттирувчи концептуал, категориал, мантикий билим тизимидир. Фанда теран, сермазмун, эвристик назарияларнинг мавжудлиги фаннинг ютуқлиги белгисидир. Билишнинг назарий даражасида илмий ижод илмий билимни анализдан ўтказишдан синтез қилишга ўтади.

Илмий назария - бу предметни тўла ва қисман қамраб олувчи бирон-бир предмет соҳаси ҳақидаги ҳаққоний билимдир. У бир-бири билан мантикий ва мазмунан боғланган фактлар, ғоялар, тушунчалар, таърифлар, гипотезалар, қонунлар, теоремалар, аксиомалар ва ҳоказоларнинг тизимини ташкил этади. Бунда назарий билимнинг бир қисми асосий, бошланғич билим, иккинчи қисми эса мантиқан келтириб чиқарилган билим ҳисобланади.

Назариянинг турли компонентлари ўртасидаги мазмунли ва расмий-мантикий алоқаларни айнан мана шундай шароитларда аниқлаш мумкин. Илмий ижоднинг назарий даражаси - бу тўпланган билимнинг моҳиятига билувчи ақл-заковатнинг чуқур кириб бориши, уни зичлаштириши, бойитиши ва унинг унумдорлигини оширишидир.

Амалдаги илмий назария-бу янги илмий ахборотни ўстиришга йўналтирилган илмий ижоднинг самарали методидир. Илмий билишда метод

бу ҳам тадқиқот усули, ҳам назария кўринишида ифодаланган билимни рўёбга чиқаришдир.

Илмий билимлар (фактлар), назария ва метод шаклан тафовут қилгани ҳолда, мазмунан ўхшашдир-уларнинг мақсади объектни у амалда қандай бўлса, худди ўшандай акс эттиришдан иборат. Ҳозирги замон фанида тадқиқот объекти ривожланишда, ҳар хил томонлардан, барча алоқалари ва муносабатлари билан кўриб чиқилади. Шунинг учун ҳам объектга нисбатан ёндашув тизимли, комплекс хусусиятга эга бўлади, бинобарин, билиш объектини методдар, назариялар, қонунлар ва гипотезалар тизимигина мукамал тавсифлашга қодир.